

“Эсдалик тангалари”

Сана	Олтин эсдалик тангаларининг сотув нархлари	
	20 г	31,1 г
19.03.2021	12 908 000 сўм	20 072 000 сўм
23.03.2021	12 911 000 сўм	20 077 000 сўм
24.03.2021	12 924 000 сўм	20 097 000 сўм
25.03.2021	12 874 000 сўм	20 019 000 сўм
26.03.2021	12 912 000 сўм	20 078 000 сўм
27.03.2021	12 850 000 сўм	19 982 000 сўм
29.03.2021	12 640 000 сўм	19 655 000 сўм
30.03.2021	12 573 000 сўм	19 551 000 сўм
31.03.2021	12 356 000 сўм	19 214 000 сўм
01.04.2021	12 415 000 сўм	19 306 000 сўм

Юқоридаги жадвалда олтин эсдалик тангаларининг 10 кунлик сотув нархлари кўрсатилган. Салим 19 март куни сотиб олган 20 граммлик олтин эсдалик тангасини 26 март куни сотишга қарор қилди. Тангасини тижорат банкига сотаётганда ва уни Марказий банк томонидан тасдиқланган дисконт даражасини инобатга олган ҳолда баҳоланганда, қайта сотув нархи 12 653 760 сўмни ташкил этди.

1. Салим 1 апрель куни тангани сотишга қарор қилса, қайта сотув нархининг ҳажми қандай бўлади?
2. Эсдалик тангаларини сотиб олиш фойдалими? Улар инвестиция воситаси сифатида қандай афзалликларга эга бўлиш мумкин?
3. Эсдалик тангаларини хорижга олиб чиқиш ёки уларни Ўзбекистондан ташқаридаги хориж фуқароларига сотиш мумкинми? Агар шундай бўлса, қандай шартларда?
4. Жисмоний шахс капиталини кўпайтиришни яна қандай инвестиция воситаларидан фойдаланиши мумкин?

Агар Абдор қуйидаги муддатларда сармоя киритиш ҳақида ўйлаётган бўлса, унга йиллик 21 фоиз остида банк омонати фойдалироқми ёки эсдалик тангалари:

- 4.1. Сармоя муддати: 2 йил
- 4.2. Сармоя муддати: 10 йил